

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/350820461>

# ЎЗБЕКИСТОНДА БАХТГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Article · March 2021

CITATIONS

0

READS

29

1 author:



**Shoirakhon Nurdinova**

Namangan State University

12 PUBLICATIONS 6 CITATIONS

SEE PROFILE

Some of the authors of this publication are also working on these related projects:



Socio-Economic Factors Affecting Uzbek Labor Migrants in Turkey [View project](#)



Seçilmiş İl Örnekleriyle Türkiye'de Ev Kadınlarının İstihdamına Yönelik Yaşam Memnuniyeti Analizi [View project](#)

Шоирахон Нурдинова, PhD,  
Наманган давлат университети



## ЎЗБЕКИСТОНДА БАХТГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

**Бахт(иёрлик) кенг қамровли тушунча бўлиб, позитив психология, социология ва иқтисодиётда турлича талқин қилинади. Veenhoven (1984) бахтни кишиларнинг ўзининг бутун ҳаётидан мамнунияти, деб тарифлайди. Ed Diener ва бошқалар (2005) бахтни субъектив фаровонликнинг таркибий қисми сифатида таърифлайди. Ҳаётдан қониқиш кенгроқ тушунча сифатида таснифланиб, ўз ичига моддий фаровонликни ҳам қамраб олади. Бахт эса кўпроқ кишиларнинг эмоционал ҳолати билан баҳоланиб, ижобий ҳисларнинг кўплиги билан изоҳланади. Илмий адабиётда бахт, субъектив фаровонлик, ҳаёт сифати каби атамаларнинг бир-бирига синоним сифатида ишлатилиши кузатилади. Лекин статистик маълумот ва сўровномаларда бахт ва ҳаётдан қониқиш орасидаги фарқ кузатилади.**

Иқтисодиётда бахтга оид тадқиқотларнинг аҳамияти бахт-саодат манбаларини аниқлаш ва бу манбалар орасида иқтисодий омилларнинг даражасини ўрганиш билан изоҳланади. Шунингдек, бахтга оид тадқиқотлар ҳукуматлар томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий вазият ва фаровонликни ўлчаш нуқтаи назаридан аҳамият касб этади. Бахтиёрлик иқтисодиёти тадқиқотлари орқали иқтисодиётга янги тушунча ва концепциялар қўшилиб бормоқда. Хусусан, даромад, ишсизлик, инфляция каби иқтисодий омиллар ҳамда демократия, коррупция, дин, ишонч каби ноиқтисодий омилларнинг фаровонликка таъсири бўйича янги оқимларни кузатишимиз мумкин. Бахтиёрлик иқтисодиётининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, бу бошқарув сифати ва ижтимоий капитал ҳажми каби институционал муҳитнинг индивидуал фаровонликка таъсирини ўрганади. Ўзбекистонда бахтиёрлик даражаси ва унга таъсир қилувчи омилларни тадқиқ этиш нисбатан янги соҳа ҳисобланади. Мазкур илмий бўшлиқни тўлдириш мақсадида ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда бахтиёрликка таъсир этувчи ижтимоий-демографик омиллар ўрганилмоқда.



### Бахтиёрлик иқтисодиётининг ривожланиши

1972 йилда Бутан қироли мамлакат ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини ўлчашдаги кенг қўлланилган ялпи миллий(ички) маҳсулот ҳақидаги қарашларга қарши чиқади. Ялпи миллий бахтиёрлик ялпи миллий(ички) маҳсулотдан аҳамиятлироқ эканлигига урғу бериб, фаровонликнинг ноиқтисодий жиҳатларига эътибор бериш лозимлигини илгари суради. Бахтиёрлик иқтисодиёти фан сифатида Ричард Истерлин томонидан амалга оширилган эмпирик тадқиқот натижасида ўрганила бошланган. Истерлин ўз тадқиқоти орқали иқтисодий ўсиш ва жамиятдаги бахтиёр-

лик даражаси орасидаги боғлиқликни исботланган. Дастлаб "бахтиёрлик парадокси" деб номлаган ушбу тадқиқот натижалари ҳозирда "Истерлин парадокси" деб аталади. Мазкур тадқиқотда асосан икки маълумотлар базасидан фойдаланилган. Илк маълумот Гэллап ижтимоий сўровномаси асосида "Умуман олганда, сиз ўзингизни қанчалик (жуда бахтли, ўртача, бахтсиз) бахтли деб ҳисоблайсиз?" саволи орқали тўпланган статистикага таянади. Бошқа маълумотларда эса, Хэдли Кантрил томонидан 1дан 10гача бўлган ораликда инсоннинг ҳаётдан қониқиш даражасини ўлчаш методологияси асосида шаклланган. Ҳар

икки маълумот асосида корреляция натижалари кишиларнинг даромадлари ва бахт орасида боғлиқликни мавжудлигини кўрсатган. Шунингдек, тадқиқот натижалари кам даромадли мамлакатларда бахт даражаси доим ҳам паст эмаслигини кўрсатади. Истерлинга кўра, мамлакатдаги иқтисодий ўсиш жамиятнинг асосий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Жамиятнинг асосий эҳтиёжлари қондирилгач, ҳукуматлар ЯИМнинг ўсишига эмас, балки ялпи миллий бахтиёрлик даражасининг юксалишига эътибор қаратиши лозим.

Истерлиннинг фикрига қарама-қарши Veenhoven ва Vergunst (2014) томонидан амалга оширилган тадқиқот иқтисодий ўсиш ва бахтиёрлик даражаси орасида позитив боғлиқлик борлигини кўрсатади. Мазкур тадқиқотда 10-40 йиллик вақтли қатор маълумотлари асосида 67 мамлакатдан тўпланган маълумотлардан фойдаланилган. Натижалар иқтисодий ўсиш кузатилган мамлакатларда ўртача бахтиёрлик даражасининг ортганини кўрсатган. Сўнгги йилларда бахтиёрлик иқтисодиёти билан боғлиқ тадқиқотлар сони сезиларли ортмоқда.





### Бахтиёрлик ўлчовлари

Бахтни ўлчаш бўйича илк қарашлар Бентамга тегишли бўлиб, шахснинг изтироб ва қувончлари йиғиндисига асосланган қиймат сифатида ифода этилган.

Замонавий илмий адабиётда бахтни ўлчашда Бахтли Сайёра Индекси, Ялпи Миллий Бахт Индекси, Жаҳон Бахтиёрлик Ҳисоботи Индекси каби бир неча ўлчовлар ишлатилади.

Бутан қироли Жигме Сингье Ванчук томонидан киритилган Ялпи Миллий Бахтиёрлик концепцияси мамлакатларни таққослашда ялпи миллий маҳсулот эмас, балки ялпи миллий бахтиёрликнинг қиймати асосланади. Аҳоли жон бошига ЯИМ қиймати 750 АҚШ доллари бўлган Бутан бахтиёрлик тадқиқотларида бахтли мамлакат сифатида эътироф этилади. Бутаннинг Ялпи Миллий Бахтиёрлик индекси (ЯМБИ) қуйидаги

тўққиз кўрсаткич асосида ҳисобланади: психологик фаровонлик, соғлиқни сақлаш, таълим, вақтдан тўғри фойдаланиш, маданий хилма-хиллик ва барқарорлик, оқилона бошқарув, жамоат ҳаёти, экологик хилма-хиллик ҳамда турмуш даражаси. Бутан учун 2015 йилги ЯМБИ қиймати 0,756га тенг. 2010-2015 йиллар давомида бу қиймат сезиларли даражада ўзгарди: 1,7 фоизга ўсди.

The Happy Planet Index (Бахтли сайёра индекси) барча учун барқарор фаровонликнинг аҳамиятини ўлчовчи индекс ҳисобланади. Жамиятнинг узоқ, бахтли ва барқарор ҳаёт кечириши учун амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумот беради. Индекс қуйидаги тўртта элементни бирлаштириб, мамлакат аҳолисининг узоқ ва бахтли ҳаёт кечириши учун мавжуд ресурслардан қанчалик самарали фойдаланаётганлигини намоён этади:

**Фаровонлик:** нолдан ўн-гача бўлган даражада аҳолининг ҳаётдан қониқиш даражасини аниқлаш учун Гэллап сўровномаси доирасида тўпланган маълумотларга асосланади.

**Ўртача умр кўриш давомийлиги:** мамлакатда кутилаётган ўртача умр давомийлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотлари асосида шаклланган.

**Тенгсизлик:** мамлакатдаги ўртача умр кўриш давомийлиги ва фаровонлик тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, аҳоли ўртасидаги тенгсизликни ифода этади. Натижалар тенгсизлиги фоизда ифодаланади.

**Экологик из:** Глобал экологик из тармоғи томонидан тайёрланган маълумотларга асосланиб, мамлакат аҳолисининг атроф-муҳитга ўртача таъсирини кўрсатади.

Индексни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{Бахтли сайёра индекси} = \frac{\text{фаровонлик} * \text{ўртача умр давомийлиги} * \text{тенгсизлик}}{\text{экологик из}}$$



Ушбу рейтингда биринчи ўринни эгаллаган Коста-Рикада учун ўртача умр кўриш давомийлиги 79.1 йил, фаровонлик 7.3, тенгсизлик 15%, атрофмуҳит омиллари 2.8 эканлиги кузатилган ва шунга мувофиқ индекс 44.7 ҳисобланган. Ўзбекистон учун индекс 29.1 ҳисобланган бўлиб, мазкур рейтингда 140 мамлакат орасида 51-ўринни эгаллаган.

Бахтиёрлик индекси бўйича 2012 йилдан бери БМТ кўмагида эълон қилиб келинаётган яна бир ҳисобот Жаҳон Бахтиёрлик Ҳисоботидир (World Happiness Report 2020). Мазкур ҳисоботда мамлакатларнинг бахтиёрлик даражаси бўйича индекслар асосида рейтинг берилди. Рейтинг тузишда Гэллар сўровномасидан фойдаланилади. Маълумотлар ЯИМнинг аҳоли жон бошига улуши, коррупция даражаси, ижтимоий ёрдам, ўртача ҳаёт давомийлиги, танлов эркинлиги, сахийлик каби категориялар асосида тўпланди.

### 1-жадвал. Бахтли сайёра индекси, 2016

Рейтинг	Мамлакатлар	Ўртача умр кўриш давомийлиги (йил)	Фаровонлик (0-10)	Тенгсизлик	Экологик из (gha)	Бахтли сайёра индекси
1	Коста-Рика	79.1	7.3	15%	2.8	44.7
2	Мексика	76.4	7.3	19%	2.9	40.7
3	Колумбия	73.7	6.4	24%	1.9	40.7
4	Вануату	71.3	6.5	22%	1.9	40.6
5	Вьетнам	75.5	5.5	19%	1.7	40.3
6	Панама	77.2	6.9	19%	2.8	39.5
7	Никарагуа	74.3	5.4	25%	1.4	38.7
8	Бангладеш	70.8	4.7	27%	0.7	38.4
9	Таиланд	74.1	6.3	15%	2.7	37.3
10	Эквадор	75.4	6.0	22%	2.2	37.0
25	Тожикистон	69.0	4.5	26%	0.9	34.2
26	Гватемала	71.4	5.9	27%	1.9	34.2
27	Белиз	69.8	6.1	18%	2.5	33.8
28	Шри-Ланка	74.6	4.2	17%	1.3	33.8
29	Венесуела	73.9	7.1	19%	3.6	33.6
30	Жазоир	74.3	5.6	24%	2.1	33.3
31	Қирғизистон	69.7	5.2	18%	1.9	33.1
50	Ҳиндистон	67.3	4.6	31%	1.2	29.2
51	Ўзбекистон	68.2	6.0	30%	2.3	29.1
52	Сербия	74.5	5.2	19%	2.7	29.0
113	Сурия	70.4	3.2	30%	1.5	19.1
114	Қозоғистон	68.6	5.8	18%	5.6	19.1
115	Конго Республикаси	61.0	3.9	40%	1.3	18.8
134	Туркменистон	65.3	5.5	31%	5.5	14.6

### 2-жадвал. Жаҳон бахтиёрлик ҳисоботи индекси, 2017-2019

Рейтинг	Мамлакатлар	Жаҳон бахтиёрлик ҳисоботи индекси
51	Эстония	6.022
71	Тожикистон	5.556
72	Черногория	5.546
73	Россия	5.546
74	Қирғизистон	5.542
75	Белоруссия	5.540
94	Хитой	5.124
95	Туркменистон	5.119
96	Болгария	5.102
151	Зимбабве	3.299
152	Жанубий Судан	2.817
153	Афғонистон	2.567



Ушбу рейтингда илк ўринларни Скандинавия мамлакатлари, сўнгги ўринларда Африка мамлакатлари ва сиёсий нобарқарор Афғонистон эгаллаган. Ўзбекистон мазкур рейтингда 153 мамлакат орасида 38-ўринни эгаллаб, Ўрта Осиё мамлакатлари орасида нисбатан юқорироқ бахтиёрлик индексига эга эканлиги кузатилмоқда (2-жадвал).

Евробарометр тадқиқотлари 1972 йилда ўз тадқиқотларини бошлаган. Мазкур тадқиқот Европа Иттифоқига аъзо давлатларни қамраб олади. Тадқиқот сўровномаси 4 ўлчовли бўлиб, “умуман олганда, ҳаётингиздан қониқасизми?” саволига “жуда мамнунман”, “ўртача мамнунман”, “мамнун эмасман” ва “умуман мамнун эмасман” каби жавоблар шаклида ўлчанади.


Бахт субъектив характерга эга эканлиги боис уни ўлчаш билан боғлиқ қарашлар ўзгариб туради, муҳокамалар давом этади.

### Ўзбекистонда бахтиёрлик тадқиқотлари

Ўзбекистонда бахтиёрлик иқтисодиёти янги соҳа ҳисоблангани боис эмпирик тадқиқотлар сони нисбатан кам эканлиги кузатилади. Нурдинова & Адачай (2020) бахтиёрлик иқтисодиёти ҳақида қисқа маълумот берган бўлса, Hiwatari (2019) Ўзбекистондаги ишонч ва ҳаётдан қониқиш ораси-

даги боғлиқликни таҳлил қилган. Жаҳон Бахтиёрлик Ҳисоботининг 2006-2019 йиллари маълумотлари асосида Ўзбекистон учун ҳисоблаган индексда умумий ўсиш суръати кузатилади. 2010 йилда мазкур индекс қиймати 5.09 бўлиб, 2006-2019 йиллар орасидаги энг паст даражани кўрсатади. 2017 йилда индекс 6.42 қиймат билан энг юқори даражани кўрсатади.


### 1-шакл. Ўзбекистонда бахтиёрлик индекси (2006-2019)



Манба: Жаҳон Бахтиёрлик Ҳисоботи, 2020



**2-шакл. Ўзбекистонда бахтиёрлик индекси (2002-2018)**



Манба: Дунё бахт маълумотлар базаси, 2020

Дунё бахтиёрлик маълумотлари базаси Нидерландиядаги Эразмус Университети қошида ташкил этилган илмий тадқиқот институти томонидан юритилади. Мазкур маълумотлар базаси асосчиси Veenhoven ва жамоаси томонидан бахтиёрлик индекси эълон қилиб борилади. Бунда “Бутун ҳаётингизни умумлаштирган ҳолда, сиз бугунги кунда ўз ҳаётингиздан қанчалик қониқасиз ёки қониқмайсиз?” саволига олинган жавоблар асосида индекс ҳисобланади. Жавоб ҳаётдан қониқишни 10 ва 11 ўлчовда ифода этади.

Шунингдек, “Нарвоннинг юқори қисми сиз учун энг яхши ҳаётни, пастки қисми энг ёмон ҳаётни ифода этади. Сиз ҳозирги пайтда ушбу нарвоннинг қаерида турибсиз?” шаклидаги савол-ўлчовлардан фойдаланилади.

2018 йилда Ўзбекистон учун ҳисобланган ўртача бахтиёрлик индекси 6.2 га тенг, бахтли ҳаёт давомийлиги 45,1 йилга тенг.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда ўртача бахтиёрлик индекси 2017 йилда нисбатан юқори.

### Тадқиқот методологияси

Ўзбекистонда ҳаётдан қониқиш ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғлиқликни таҳлил қилишда “Дунё Қадриятлар Сўровномаси” маълумотларидан фойдаланилди. Бу сўровнома 1981 йилдан бери дунёнинг 120дан ортиқ мамлакатларидан ҳар беш йилда бир марта ўтказилади. Тадқиқотда 2011 йилда тўпланган маълумотлардан фойдаланилди. 1,329 респондентдан

тўпланган маълумотлар асосида ўртача бахтиёрлик/ҳаётдан қониқиш даражаси ҳисобланди.

Тадқиқотда ёш, даромад, фарзанд сони, соғлиқ, оилавий аҳволи, жинси, маълумоти, иш билан бандлик ҳолатига кўра ҳаётдан қониқиш/бахт даражаси таҳлил қилинди. Ҳаётдан қониқиш/тартибланган қийматга эга бўлиб, 0-умуман ҳаётдан қониқмаган ва 10-ҳаётдан жуда қониққанлигини ифодалайди. Бахт даражаси эса, умуман олганда ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрлик даражаси ҳақидаги сўровномаларда респондентларнинг ўз-ўзини ҳолатини билдириш (self-report) орқали ўлчанади.

### 3-жадвал. Ўзгарувчилар тасвирий статистикаси

	Ўртача	Стд.Чет	Минимум	Максимум
Бахт	3.613243	.5631819	1	4
Ҳаётдан қониқиш	7.911964	1.881805	1	10
Ёш	39.36945	14.52738	18	85
Даромад	5.813394	1.804388	1	10
Фарзанд сони	2.629044	1.898818	0	8
Соғлиқ	2.961625	.8042821	1	4
<b>Оилавий аҳволига кўра</b>				
Бирга яшовчи	.0112867	.1056773	0	1
Оилали	.7366441	.4406196	0	1
Турмуш қурмаган	.1309255	.3374458	0	1
Ажрашган	.0383747	.1921715	0	1
Бева	.0767494	.2662937	0	1
Алоҳида яшайди	.0060196	.0773811	0	1
<b>Жинсиятига кўра</b>				
Эркак	.3927765	.4885517	0	1
Аёл	.6072235	.4885517	0	1
<b>Маълумотига кўра</b>				
Расмий таълим олмаган	.0030098	.0547995	0	1
Бошланғич	.0007524	.0274307	0	1
Тўлиқсиз ўрта	.0037622	.0612446	0	1
Ўрта	.420617	.493844	0	1
Ўрта-махсус	.4484575	.4975235	0	1
Олий	.1234011	.3290208	0	1
<b>Меҳнат бозоридаги иштирокига кўра</b>				
Ишсиз	.1361926	.3431221	0	1
Талаба	.0316027	.1750058	0	1
Тадбиркор	.0797592	.2710221	0	1
Пенсионер	.1550038	.3620445	0	1
Уй бекаси	.2535741	.4352204	0	1
Тўлиқ ставкада ишловчи	.1896163	.3921449	0	1
Ярим ставкада ишловчи	.1504891	.3576848	0	1
Бошқалар (мавсумий ишчи ва ҳқз)	.0037622	.0612446	0	1

Юқоридаги категори-  
яларга кўра ўртача бахт/  
ҳаётдан қониқиш даражаси  
таҳлил қилинди.

3-шаклдан кўриниб  
турибдики, Ўзбекистон-  
да ҳаётдан қониқишнинг  
ўртача қиймати 7.91, бахт  
даражаси эса 3.61га тенг.

Жинсига кўра, ҳаётдан  
қониқиш ва бахтнинг ўрта-  
ча қиймати солиштирил-  
ганда, Ўзбекистонда эрка-  
klar аёллардан бахтлироқ  
ва ҳаётдан қониқиш дара-  
жаси юқорироқ эканлиги  
кузатилди (4-шакл). Европа  
ва Ғарб мамлакатлари  
мисолида кўплаб тадқиқот-  
лар эса аёлларнинг эрка-  
klarдан бахтли эканлигини  
кўрсатади.


Респондентларнинг  
ёши тўрт категорияга  
ажратилди: 15-24 ёш

### 3-шакл. Ўзбекистонда ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати





#### 4-шакл. Жинсиятга кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати




оралиғидагилар, 25-39 ёш оралиғидагилар, 40-54 ёш оралиғидагилар ва 55 ёшдан катталар. Ёш категориясига кўра, ҳаётдан қониқиш ва бахт даражаси таҳлил қилинди. 15-24 ёшлилар энг бахтли ва ўртача ҳаётдан қониқиш даражаси юқори деб топилди. 55 ёшдан катталарнинг ўртача бахтиёрлик даражаси энг паст қийматни кўрсатди. Шунингдек, 40-54 ёшлиларнинг

ўртача ҳаётдан қониқиш даражаси 7,67 қиймат билан энг паст кўрсаткични кўрсатди. Илмий адабиётлар ёш ва бахтиёрлик/ҳаётдан қониқиш орасидаги боғлиқликни U шаклида эканлигини исботлаб, ўрта ёшларда инсонларнинг бахт даражасида пасайиш кузатилганлиги кўрсатилган.

Маълумот даражасига кўра, расмий маълумот олмаган категория энг


#### 5-шакл. Ёшига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати



юқори бахтиёрлик даражасига эга бўлса, бошланғич маълумот эгалар энг паст бахтиёрлик даражасига эга. Ўртача ҳаётдан қониқиш даражаси энг юқори бўлган категория бошланғич маълумотга эга, ҳаётдан қониқиш даражаси энг паст бўлган категория расмий маълумот олмаган категориядир. Тадқиқотлар орасида маълумот даражасининг ҳаётдан қониқиш/бахтга ижобий таъсири исботланган ёки ўрта маълумотлилар энг юқори бахт/ҳаётдан қониқиш даражасига эга категория сифатида топилган. Маълумот даражаси ва бахтиёрлик/ҳаётдан қониқиш орасидаги боғлиқликнинг ижобий ё салбий таъсир кўрсатиши бевосита даромад билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Фарзанд сонига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтнинг ўртача қиймати солишти-

### 6-шакл. Маълумот даражасига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати



рилганда, Ўзбекистонда 7та фарзандли ва фарзанди бўлмаган респондентларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси юқорироқ эканлиги кузатилди. Саккиз фарзандли кишиларнинг бахтнинг ўртача қиймати 3.75 бўлиб, энг бахтли категория эканлиги кузатилди (7-шакл). Ҳадлер (2006) фарзандли бўлиш бахтиёрлик/ҳаётдан қониқишга ижобий таъсир кўрсатишини исботлаган. Молиявий ҳолат моделга қўшилса, фарзанд сонининг ортиши бахтиёрлик/ҳаётдан қониқишга салбий таъсир кўрсатиши кузатилади. Бу


бевосита харажатларнинг ортиши, эҳтиёжларнинг қаршиланишида молиявий муаммоларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Ўзбек халқининг болажонлиги сабабли 8 фарзандли респондентларнинг бахтиёрлик даражаси энг юқори қийматга эга бўлган дейиш мумкин. Фарзанди бўлмаган респондентларнинг аксарияти турмуш қурмаган кишилар ҳисобланади.

Оилавий аҳволига кўра бахтиёрлик даражаси таҳлил қилинганда, оилаларнинг ўртача бахтиёр-


лик даражаси 3.63 қийматига эга бўлиб, энг бахтли категорияни ташкил этади. Мавжуд эмпирик тадқиқотлар натижалари ҳам оилаларнинг бошқа категорияларга нисбатан бахтли эканлигини исботлаган. Brown (2000) оила қурмай партнер билан яшайдиганларнинг бахтиёрлик даражаси муносабатларнинг ижобий-салбийлиги ҳақидаги фикрлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Бахтиёрлик даражаси энг паст бўлган категория расман ажрашмаган, лекин алоҳида яшовчи жуфтликлар эканлиги аниқланди.

Ҳаётдан қониқиш даражаси энг юқори бўлган категория турмуш қурмаганлар бўлса, энг паст қийматли категория ажрашганлардир.

### 7-шакл. Фарзанд сонига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати



### 8-шакл. Оилавий аҳволига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати



Фаровонликка иқтисодий нуқтаи назардан қаралса, даромадларнинг ортиши истеъмолнинг ортишига ва бу ўз навбатида фаровонликнинг ортишига олиб келади. Инсон фаровонлигининг асосий омилларидан бири сифатида даромадни кўрсатиш мумкин. Мавжуд тадқиқотлар иқтисодий фаровонлик

ва бахт /ҳаётдан қониқиш ўртасидаги ижобий боғлиқлик борлиги кўрсатади.

9-шаклдан кўриниб турибдики, даромад ортишига мос равишда ҳаётдан қониқиш ортган. Бахт ва даромад орасидаги боғлиқлик эса ўзгарувчан характерга эга бўлиб, тўғридан-тўғри боғлиқлигини ифода этмаган.

Соғлиқ даражаси ва бахт орасида тўғри пропорционаллик кузатилади. Соғлиқ даражаси ортган сари бахт даражаси ҳам ортган. Худди шу боғлиқлик ҳаётдан қониқиш ва соғлиқ даражаси орасида ҳам кузатилади. Мавжуд эмпирик тадқиқотлар ҳам руҳий ва жисмоний соғлиқ ҳамда бахтиёрлик/ҳаётдан

### 9-шакл. Даромад шкаласига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати



### 10-шакл. Соғлиқ ҳолатига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати



қониқиш даражаси орасида кучли ижобий боғлиқлик борлигини кўрсатади.

Меҳнат бозоридаги иштирокига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтнинг ўртача қиймати солиштирилганда, мавсумий ишда ишлаётган ва вақтинчалик иш билан банд бўлганлар энг бахтсиз категория эканлиги кузатилди. Бу категориянинг доимий даромадга эга эмаслиги, эртанги кун ҳақидаги қайғулари бахтиёрлик даражасига салбий таъсир кўрсатгани орқали изоҳланади. Ҳаётдан қониқиш даражаси 6.0 қиймат билан энг паст кўрсаткичи ҳам мавсумий иш билан банд ва бошқаларга тўғри келади. Тадбиркор ва ўз бизнесига эга бўлган респондентларнинг бахтиёрлик даражаси 3.69 қиймат билан энг юқори эканлиги кўрилди. Тадбиркор ва ўз-ўзини банд қилган респондентларнинг бахтиёрлиги қатъий график асосида ишламаслик, ўзини-ўзи бошқариш ваколоти мавжудлиги ва бошқаларга

нисбатан эркин меҳнат ша-роитига эга эканлиги билан изоҳлаш мумкин.


Ҳаётдан қониқиш даражаси энг юқори категория талабалар эканлиги кузатилди.

### Хулоса ва таклифлар

Мазкур тадқиқотда бахтиёрлик иқтисодиётининг вужудга келиши, ривожланиши ва бахт ўлчовлари ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон бўйича илмий адабиёт ва халқаро ҳисоботлардаги индекслар таҳлил қилинди. Индекслар бўйича мамлакатлар рейтинги бир-биридан фарқ қилиши кузатилди. Хусусан, Жаҳон бахтиёрлик ҳисоботида кўра 38-ўринда бўлган Ўзбекистон Бахтли Сайёра индексига кўра 51-ўриндадир. Бу фарқ бахтни ўлчашдаги қийинчиликлар ҳамда бахт омилларининг бир шахсдан/мамлакатдан бошқа шахс/мамлакатга нисбатан ўзгариши натижасида келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан, ўзбек

жамиятининг миллий қадриятларини эътиборга олган ҳолда, бахт ва унга таъсир қилувчи омилларни чуқурроқ ўрганиш тавсия этилади. Шу мақсадда Ўзбекистонда бахт/ҳаётдан қониқишга таъсир қилувчи омиллар баҳоланди. Натижаларга кўра, эркаклар аёлларга нисбатан бахтлироқ эканлиги кузатилди. 24 ёшгача бўлганлар ёки ёшлар Ўзбекистонда энг бахтли(ҳаётдан қониққан) категория деб топилди. 55 дан катталар бахтиёрлик даражаси энг паст, 40-54 ёшдагилар энг паст ҳаётдан қониқишга эга эканлиги кузатилди. Маълумот даражасига кўра, расмий маълумот эга бўлмаганлар энг юқори бахтли категория бўлса, бошланғич маълумотлилар энг бахтсиз категория деб топилди. Ҳаётдан қониқиш даражаси бўйича акс натижалар кузатилди: ўртача ҳаётдан қониқиш даражаси энг юқори бўлган категория бошланғич

### 11-шакл. Меҳнат бозоридаги иштирокига кўра ҳаётдан қониқиш ва бахтиёрликнинг ўртача қиймати





маълумотга эга, ҳаётдан қониқиш даражаси энг паст бўлган категория расмий маълумот олмаган категориядир. Ўзбекистонда оилалилар энг бахтли, расман ажрашмаган, лекин алоҳида яшовчи кишилар энг бахтсиз категория деб топилди. Ҳаётдан қониқиш даражаси энг юқори бўлган категория турмуш қурмаганлар бўлса, энг паст қийматли категория ажрашганлардир. Фарзанд сонига кўра 7 нафар фарзандли ва фарзанди бўлмаган респондентларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси юқорироқ эканлиги кузатилди. Фарзанди бўлмаган респондентларнинг аксарияти турмуш қурмаган кишиларга тўғри келади. Бахтиёрлик даражаси энг юқори бўлган кишилар саккиз нафар фарзандга эга. Беш

нафар фарзандлиларнинг ҳаётдан қониқиш даражаси нисбатан паст эканлиги кузатилди. Даромад ва бахт/ҳаётдан қониқиш орасида ижобий боғлиқлик мавжуд бўлиб, даромаднинг ортиши ҳаётдан қониқиш даражасини ҳам орттирган. Шунингдек, соғлиқ ҳолатининг яхшиланиши бахт/ҳаётдан қониқишга ижобий таъсир кўрсатиши кузатилди. Мавсумий ва вақтинчалик иш билан банд бўлганлар энг бахтсиз ва ҳаётдан қониқиш даражаси энг паст бўлган категория эканлиги кузатилди. Тадбиркор ва ўз бизнесига эга бўлганлар энг бахтли, талабалар эса ҳаётдан қониқиш даражаси энг юқори бўлган категориядир.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги

ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида назарда тутилган устувор вази-фаларни амалга ошириш орқали бахтиёрлик индекси бўйича халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мумкин.

Келгусидаги тадқиқотлар учун мамлакат миқёсида ҳаётдан қониқиш билан боғлиқ йиллик сўровномаларни йўлга қўйиш орқали амалга оширилаётган ислохотларнинг фуқаролар ҳаётига таъсирини ўлчаш тавсия этилади. Худудлар бўйича бахтиёрлик индексини ҳисоблаш орқали мамлакат бахтиёрлик харитасини яратиш мумкин.